

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА 2017 ЙИЛ ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА АСОСИЙ КАПИТАЛГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

•
•

2017 йил январь-декабрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2236,0 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестиция ва кредитлар 139,2 млрд. сўмни ташкил этди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбати 15,4 фоизни ташкил қилиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 1,4 фоизга камайди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2017 йил январь-декабрь)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, фоизда	яқунга нисбатан фоизда
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2236,0	99,6	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	264,7	91,7	11,8
бюджет маблағлари	96,3	120,5	4,3
давлат мақсадли фонд маблағлари	146,5	76,9	6,5
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	21,9	120,8	1,0
Марказлашмаган инвестициялар	1971,3	99,9	88,2
корхоналарнинг ўз маблағлари	518,1	103,4	23,2
аҳоли маблағлари	766,8	92,6	34,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	139,2	116,2	6,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	547,2	112,5	24,5

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Андижон вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	2236,0	258,4	1977,6
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан</i> <i>фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	59,9	73,7	58,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	32,3	21,1	33,8
Бошқа харажатлар	7,8	5,2	8,1

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.

2017 йил январь–декабрида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 197,3 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 173,4 фоизни ташкил қилди.

**Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция
ва кредитларнинг таркиби**
(2017 йилнинг январь–декабрида)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	
		<i>давлат кафолати остида</i>	<i>тўғридан-тўғри ва бошқалар</i>
Жами асосий капиталга киритилган хорижий	197,3	11,1	18,4

инвестиция ва кредитлар

шу жумладан:

давлат	21,9	100,0	
нодавлат	175,4		100,0

Ҳисобот даврида Андижон вилояти бўйича нодавлат секторга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги улуши 88,9 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларнинг
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

(умумий хажмга нисбатан, фоизда)

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши текстил маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 55,7 фоизни ташкил қилди ва 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 146 мартага ошди. 2017 йилда киритилган хорижий инвестицияларнинг катта улуши алова, ишлаб чиқариш ва соғлиқни сақлаш соҳасига тўғри келди, яъни хорижий инвестиция ва кредитларнинг 96,1 фоизи ушбу соҳаларга киритилди ҳамда ўсиш суръати аввалги йилга нисбатан 2 мартага ошди. Шу билан бирга, улгуржи ва чакана савдода хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди, ўсиш суръати – 10,4 фоизга тенг бўлди.